Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 6 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 79 (7172)

**Da'vat**

**Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу — ўқитувчилик касбидир.**

**Ислом КАРИМОВ**

**Ibrat**

**Тошлоқ туманидаги «Заркент» жамоа хўжалигига қарашли «Одилхожи» фермер хўжалиги (бошлиғи Одилхожи Рустамов) шу ҳудуддаги 12-ўрта мактабга 280 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатди.**

## САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

**4 октябрь куни** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимизнинг илк хорижий сафарларидан бири Жанубий Кореяга бўлган эди. Ўша ташриф чоғида ўтказилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар қай даражада ижобий самара берганини бугун республикамизда кечаётган иқтисодий ўзгаришлардан, хусусан, автомобилсозлик, енгил саноат мажмуи, электроника, коммуникация ва бошқа кўплаб соҳалардаги юксалишлардан кўриш мумкин. Жанубий Корея билан йўлга қўйилган ҳамкорлик мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги энг самарали ишлардан бири бўлганини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис, Жанубий Кореяга уюштирилаётган бу галги ташриф ҳам асосан, ушбу алоқаларимизни янада кенгайтириш, уни янги босқичга кўтаришига шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарининг журналистларга берган интервьюсида ҳам икки мамлакат ўртасида барқарор ривожланиб келаётган иқтисодий , сиёсий ва маданий алоқаларга эътибор қаратилди.

— Жанубий Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларида алоҳида ўрин эгаллайди, — деди жумладан Ислом Каримов. — Агар шу ўтган етти йилни оладиган бўлсак, мамлакатимизда қурилган завод, фабрика, ҳатто, халқ хўжалигимизда йўлга қўйилган баъзи бир янги тармоқлар ҳам Жанубий Корея билан ҳамкорлик натижасидир. Ўзбекистон ўзининг енгил автомобилларини чиқара бошлади. Бу заводни қисқа вақтда қуриб, ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олганимиз ҳам мана шу ҳамкорлик билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналарнинг обрўси нафақат Ўзбекистонда, балки, хорижий давлатларда ҳам баланд.

Электроника, енгил саноат, телекоммуникация соҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Келгуси режаларимиз ҳақида тўхталадиган бўлсак, — деб сўзида давом этди Ислом Каримов, — автомобилсозлик, телекоммуникация, енгил саноатдан ташқари, яна бир қанча соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Шунингдек, ҳозир бошланган лойиҳаларни охирига етказиб, яна янгиларига замин яратмоқчимиз. Мисол учун, телекоммуникация соҳасида тахминан 160 миллион АҚШ долларига тенг тўртта лойиҳа мавжуд. Асака автомобил заводида янги русумдаги яна икки хил машина ишлаб чиқаришни бошлашни режалаштираяпмиз. Ушбу лойиҳаларнинг нархи 70 миллион долларга етади. Ипакчилик соҳаси бўйича ҳам 15 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа ва бошқа кўплаб соҳаларда лойиҳаларимиз бор. Ишонаманки, тез кунларда мазкур лойиҳалар ҳаётга жорий қилина бошлайди.

1997 йилда Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий танглик Корея Республикасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади, албатта. Бироқ, Жанубий Корея биринчилардан бўлиб молиявий тангликдан халос бўлаётир. Ҳозирги кунда унинг иқтисодиёти яна жадал ўсмоқда.

Бўлажак музокараларда сиёсий масалалар, хусусан, Марказий Осиёда кечаётган сиёсий жараёнлар, қолаверса, халқаро муносабатларда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида фикр алмашиш ниятимиз бор. Шунингдек, маданий соҳа ҳам эътибордан четда қолмайди. Яқинда мамлакатимизда Жанубий Корея маданияти кунлари бўлиб ўтди. Бизнинг ҳам ўз маданиятимизни Жанубий Кореяда намойиш қилиш режамиз бор. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро тенг манфаатлар асосида барқарор ривожланмоқда.

* * *

**4 октябрь. Сеул. (ЎзА мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Репсубликасига етиб келди. Корея Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг Сеул аэропортида мамлакатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини Корея Республикаси Ташқи ишлар ва Савдо вазири Хонг Сун Ёнг рафиқаси билан кутиб олди.

* * *

**5 октябрь. Сеул. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** Бугун Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунгнинг «Чонг Ва Де» («Мовий уй») қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Маросимдан кейин икки мамлакат президентларининг тор доирадаги мулоқоти бўлди. Унда давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро миқёсдаги масалалар хусусида ўзаро фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар, жумладан, савдо, молия, сармоя соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Музокаралар ниҳоясида президентлар XXI асрга қаратилган янги руҳдаги Декларацияни имзолади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида Божхона соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Корея Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида Ҳуқуқий материаллар алмашиш ҳамда Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг, Жанубий Корея Эксимбанки бошқаруви раиси ва президенти Янг Ман Ки ва «Кабул текстайл» компанияси бошқаруви раиси Пак Чан Хони қабул қилди. Учрашувларда корейс ишбилармонлари билан ўзаро шерикликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Амалдаги лойиҳалар ижроси ва янгиларини тайёрлаш хусусида фикр алмашилди.

Оқшом Корея Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига расмий қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

## JUMLADA JAHON

**• Мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини уддалаган Асака тумани пахтакорларига, меҳнаткашларига Ўзбекистон Республика Президенти Ислом Каримов мамнуният билан табрик мактуби йўллади.**

**• Пойтахтимизнинг барча туманларида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, миллий истиқлол ғояларини улар қалбига янада чуқурроқ сингдириш, сайловларда фаол иштирок этишга чорлаш мақсадида «Биз Президент фарзандларимиз» деган мавзуда «Ёшлар форуми» ўтказилмоқда.**

**• Тошкентда Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси муассислигида «Марказий Осиё маданияти» газетасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди: беш — ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус тилларида алоҳида-алоҳида чоп этилаётган бу халқаро газета халқларимизни бирлаштиришга хизмат қилади.**

**• АҚШ иқтисодида 1995 йилда кузатилган жараён, яъни амалдаги йилнинг иккинчи чорагида ўсиш суръати бирмунча сусайиши такрорланиб, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш апрелдан июнга қадар 1,6 фоизгагина ошган.**

**• Австрия парламентига бўлган бу йилги сайловларда ҳам социал-демократлар партияси энг кўп, 33,39 фоиз овозга, озодлик партияси эса 27,22 фоиз, халқ партияси 26,90 фоиз овозга эга бўлишди.**

## Ўқитувчи ёнғ дафтарига

### 6 МИЛЛИАРДГА ЕТДИ

**Ҳа, бугунга келиб, дунё аҳолиси 6 миллиардга етди. Бу рақам 1960 йилдагига нисбатан икки ҳисса кўпдир. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ер юзи аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 78 миллион кишига кўпаймоқда. Мавжуд аҳолининг тенг ярми 25 ёшгача бўлган ёшлардир.**

### САБАБИ НОМАЪЛУМ

**НАСА мутахассисларининг маълумотларига қараганда, кейинги ўн йилликда фазога учирилган космик кемалар тезлиги камайиб бормоқда. Қуёш системаси траекториясидан ташқаридаги юлдузларга учирилган барча космик кемаларнинг мўлжалдаги тезликда уча олмаётганлиги сабабини мутахассислар ҳали аниқлай олганларича йўқ.**

### КОИНОТШУНОСЛАР. ТАХМИНИЧА

**яқин 10 йил ичида коинотга 1500 тагача сунъий йўлдош учирилиши кутилмоқда. Ушбу кемалар парвози учун 126,8 миллиард доллар ҳамда уларни ташувчи ракеталар учун 49,5 миллиард доллар сарфланиши керак бўлади.**

### ДЕҲҚОНЛАР КЎМАКЧИСИ

**Япониянинг «Ямаха» фирмаси мутахассислари томонидан яратилган «Р - 50» русумли вертолёт деҳқонлар учун далаларга ўғит сочишда ғоят қўл келмоқда. Радиотўлқин орқали ердан туриб бошқариладиган ушбу вертолётнинг оғирлиги 67 кило. У 20 килогача юк кўтаради ҳамда 30 дақиқагача қўнмасдан уча олади.**





## УСТОЗЛАР УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

**Ehtirom**

***Болага бир ҳарфни ўргатиш ёки оддий воқеликни ўқувчига уддабуронлик билан етказиш осон юмуш эмас. Шу боисдан ҳам ўқитувчиларимиз машаққатли ва шарафли касб эгалари дея шарафланаётирлар. 1997 йилдан бошлаб ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Буни давлатимизнинг халқ таълимига алоҳида эътибори, ўқитувчи ва мураббийларга юксак эҳтироми, деб баҳолашимиз жоиз. Чунончи, байрам арафасида меҳнати халққа манзур бўлган ҳамда айни пайтда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда ўрнак кўрсатаётган бир гуруҳ маорифчиларнинг давлатимизнинг орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланганликлари ҳам бу фикрларни яққол тасдиқлайди.***

### ҲАЯЖОНГА ТЎЛИҚ ЛАҲЗАЛАР

**Шуҳрат ИБРОҲИМОВ, Навоий вилояти Кармана туманидаги 15-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси:**

— Бугун Президентимизнинг Фармонларини ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Фармонга асосан мен ҳам II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирландим. Байрам таассуротлари ҳақида гапирадиган бўлсак, Навоий вилоятидан ташриф буюрган халқ таълими ходимлари ҳам пойтахтда уюштирилган тантаналарнинг ташкилий жиҳати аъло даражада бўлганлигини таъкидлашяпти. Бу тадбирлардан биз жуда хурсандмиз. «Наврўз» мажмуасида ташкиллаштирилган давра суҳбати, айниқса, эсда қоларли бўлди.

Шу ўринда устозларимни эслашни жоиз деб биламан. Биринчи навбатда, мени шу фанга, ўқитувчилик касбига қизиқтирган тарих фани ўқитувчиси, раҳматли қиблагоҳим (жойлари жаннатда бўлсин!) Иброҳим ота Зайнутдиновни устозим, деб биламан. Иккинчи устозим қадрдон мактабимда менга таълим берган Ҳиммат ака Раҳматов бўладилар.

**(Давоми 2-бетда)**

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

**Jarayon**

Кеча Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида Республика Халқ таълими фаолларининг йиғилиши Мониторинг марказларининг ва янги ўқувчилар либосининг тақдимоти билан бошланди. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур институтда намойиш этилган Мониторинг марказлари халқ таълимидаги кўплаб муаммоларни аниқлашга ва ечишга ёрдам беради. Бундай марказлар келажакда вилоятларда ҳам ташкил қилинади.

Ўқувчилар либоси эса муаллимлару ота-оналарни бирдай доимо ташвишлантириб келади. Бу муаммоларни Республикамиздаги тикувчилик бирлашмалари баҳоли қудрат ечишга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

«Қизил тонг» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти модельери Валентина Поселяеванинг таъкидлашича, ўқувчилар учун республика бўйича 42 га яқин, биргина шу жамиятда эса 15 га яқин моделлар ишланган.

Жамоа Наманган вилоятидаги «Косонсой - Текмен» ўзбек-турк қўшма корхонаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўқувчи либосларига пишиқ ва кўркам материалларни айнан шу корхона етказиб беради.

Бошланғич синфлар ўқувчилари учун тайёр костюм-шим, нимча 3000-4000 сўм, юқори синф ўқувчиларининг худди шундай либоси 5000-8000 минг сўм атрофида бўлади. Қиз болаларнинг либослари ҳам унча қиммат эмас. Муҳими, либосларнинг рангларини мактаб жамоаларининг ўзлари танлаб буюртма берадилар. Йиғилишда турли хил рангдаги янги ўқувчи либослари намойиш қилинди ва уларнинг афзал томонлари ҳақида гапирилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш борасида амалга оширилган ишлар ва навбатдаги вазифалар тўғрисида атрофлича сўз юритди. У анжуманнинг биринчи масаласи — таълим фаолларининг сайлов жараёнидаги ўрнига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Олий Мажлисига сайловлар — демократик жараёнларни такомиллаштиришнинг муҳим омили мавзуида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Озод Абдумажидов эса сайлов жараёни билан боғлиқ вазифалар, сайлов ҳақидаги қонунлар, сайловни ўтказишда қонунийликни таъминлаш, сайлов комиссиялари масъулияти тўғрисида батафсил гапирди.

Йиғилишда «Таълим тараққиёти» ахборотномасининг умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари чоп этилган махсус сонларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХТВ таълимда давлат стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ўқув жараёнига татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида сўзлади. Сўнгра профессорлар Қозоқбой Йўлдошев ва Наим Норқуловлар адабиёт ва тарих фанларининг стандартлари ва ўқув дастури хусусида фикр билдирдилар.

Шунингдек, фаоллар йиғилишида Республика таълим марказининг директори Гуландон Алимованинг «Янги ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш ҳақида»ги, Ўзбекистон ХТВ умумий ўрта таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шукур Пўлатовнинг «Умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўқув режаси ҳақида»ги, педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Икромовнинг «Умумий ўрта таълим муассаса (мактаб)ларида ўқувчилар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимини жорий этиш ҳақида»ги маърузалари ҳам тингланди.

Йиғилиш якунида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ҳудудларда тайёрланган энг яхши қўлланмалар, рисолалар, методик адабиётлар, ноанъанавий дарс ишланмалари муаллифлари тақдирландилар.

Айтиш жоизки, анжуманда кенг кўламли масалалар муҳокама қилиниб, йўл-йўриқлар кўрсатилди. Муҳими, энг долзарб вазифалар белгилаб олинди. Республика халқ таълими фаолларининг йиғилиши ана шу жиҳатлари билан бошқа анжуманлардан ажралиб турди.

Ушбу йиғилиш ҳақидаги батафсил маълумотлар билан газетамизнинг навбатдаги сонларида танишишингиз мумкин.

**МУХБИРИМИЗ**

## ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА ДУБАЙЛИК МЕҲМОНЛАР

**Tashrif**

Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, юртимизда меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Амирлиги Дубай ҳукуматининг ер ва мулк вазири Шайх Муҳаммад Бин Халиф ал-Махтум бошчилигидаги делегация Тошкент Ислом университетига ташриф буюрди.

Меҳмонлар Юнусхон мақбарасини зиёрат қилишиб, университет ўқитувчи ва талабалари билан учрашдилар. Университет ректори, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов меҳмонларга мазкур илм даргоҳи Президент Фармонига кўра ташкил қилиниб, айни пайтда юз нафар талаба ислом тарихи ва фалсафаси, фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар йўналишида таълим олаётгани, етук мутахассислар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

— Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ислом дини билан боғлиқ бой маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаш, буюк диншунос алломалар асарларини ўрганиш ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш ҳамда дин обрўсини янада кўтариш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилаётганидан хабаримиз бор, — деди Шайх Муҳаммад Бин Халиф ал-Махтум учрашувда. — Пойтахтингизда Ислом университетининг очилгани ҳам шундай хайрли ишлардан биридир. Бу юрт тупроғида Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб мутафаккир ва авлиёлар таваллуд топган. Мазкур олийгоҳда таълим олаётган талабалар ҳам келажакда ўз аждодлари ишларини давом эттириш, динда буюк маънавий ўзгаришларни амалга оширишига ишончим комил ва бу борада биз ҳамкорликка тайёрмиз.

Учрашувда дубайлик меҳмон университетга 100 минг АҚШ доллари миқдорида чек топширди. Шунингдек, мазкур илм масканига бундай хайрия ёрдами ҳар йили ажратилажагини маълум қилди.

## ТИКЛАНАЁТГАН ҚАДР

**Xotira**

Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган инсонлар номи эл эъзозидадир. Уларнинг муқаддас хотираси ҳеч қачон авлодлар ёдидан ўчмайди. Машъум тузум туфайли, гарчанд, ҳақпарвар аждодларимиз ёдидан бир муддат айро тушган бўлсак-да, бугун улар номларини қайта кашф этаётганимиз — ўз қаддимиз ва қадримизнинг тикланаётганлигидан далолатдир. Бугунги кунда юртимизда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг ҳамда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам фидойи боболаримизга бўлган эъзоз ва эҳтиром намунасидир.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг мажлислар залида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойиларни хотирлаш маросими бўлиб ўтди. Уни Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссияси ҳамда «Шаҳидлар хотираси» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ташкил этди. Маросимнинг худди шу куни ўтказилиши бежиз эмас. Боиси, мустамлакачилик даврининг илк қурбонлари - жадид боболаримиз худди шу кунда қатл этилгандилар.

Йиғилишни мазкур жамоатчилик комиссияси раиси Н.Каримов очди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, профессор С.Мирвалиев ва бошқалар сўзга чиқиб, фидойи аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, пойтахтимизда қурилиши лойиҳалаштирилаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ва унинг бадиий тимсоли хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Хотирлаш маросимида «Унутилмас сиймолар» албоми ва плакатларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мазкур албом ва плакатларда машъум тузум қурбонлари бўлган ватанпарвар аждодларимиз сиймолари гавдалантирилган бўлиб, улар ҳақида берилган қисқача маълумотлар ҳам ёш авлод тасаввурини бойитишда ва уларни чинакам ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ёрдам беради.

Шунингдек, маросимда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукруллонинг «Тирик руҳлар» романи тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Албатта, мазкур асар тақдимотининг ҳам ушбу маросимда ўтказилишига сабаб бор. Ўзининг халқчил ижоди билан элимизнинг ардоқли ёзувчисига айланган адибимизнинг янги романи мустамлакачилик тузуми кирдикорлари ва фидойи аждодларимиз, хусусан, Убайдулла Хўжаев ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

**И.БЎРИБОЕВ**

**Ҳурматли таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар!**

***Республикамизнинг барча даврий нашрлари қаторида Сизнинг ҳаммаслагингиз, дастёрингиз «Ma'rifat» газетасига ҳамда «Таълим тараққиёти» ахборотномасига 2000 йил учун обуна жараёни давом этмоқда.***

**«Ma'rifat» нашр индекси: якка обуначилар учун — 149, ташкилотлар учун — 150.**

**«Таълим тараққиёти» нашр индекси: якка обуначилар учун — 1016, ташкилотлар учун — 1017**

## Fanimiz fidoyilari

# «МОҲИЯТ – ИНСОН УЧУН КУРАШМОҚ»!

«Дунёни охиригача билиш мумкин эмас экан, вақтни исроф этмай инсонни ўрганиш билан шуғулланмоқ лозим», деган эди машҳур ёзувчилардан бири. Адабиёт инсоншуносликдир, деб кўп такрорлаймиз. Ижод аҳлига баҳо берганда ана шу мезонда қолишни истаймиз. Чиндан, ҳар бир ижод асари бевосита инсон, унинг ташна руҳи, безовта қалби муаммолари билан уйғун. Чинакам асарлар ҳам инсон руҳиятининг энг юксак интилишларини англаб етиш истагида туғилади. Инсон ким? У нима учун туғилади? Умрнинг маъноси нима? Қандай яшамоқ керак?.. Барча замонларда ижод аҳли шу каби саволларга жавоб излайди. Инсоният бадиий, илмий тафаккурининг қанча-қанча оқимлари, йўналишлари шуниң натижасида дунёга келади.

Бугун бир сўз айтмоқчи бўлганимиз инсон ҳам ўз умрини инсонни ўрганишга, уни тушунишга, аниқроғи, унинг моҳиятини ўзгаларга ҳам англатишга сарф этаётган заҳматкаш олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов 60 ёшга тўлди. Нажмиддин ака етук адабиётшунос олим. Олим бўлганда ҳам серқирра, сермаҳсул ижодкор олим. У айнан адарида комил инсон — бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақо руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сурату сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот... У шарқ шеъриятини ана шу ўлчовлар билан боғлаб тадқиқ этади.

Сўнгги ўн йил ичида олимнинг шу йўналишдаги «Нажмиддин Кубро», «Тасаввуф», «Комил инсон ҳақида тўрт рисола» номли китоблари, Фаридиддин Аттор, Азизиддин Насафий, Султон Валад ва Ҳусайн Воиз Кошифий сингари алломалар асарларининг таржималари босилиб чиқди. Шулар қаторида олимнинг Навоий ғазалларига битган шарҳларини алоҳида таъкидлаш лозим. Навоий ғазалларини мукаммал бутунликда, яъни уларнинг зоҳиран дунёвий ва ботиний фалсафий-тасаввуфий қарашлар силсиласига бориб тақаладиган маънолар алоқадорлигида - «Тимсоллар Тимсоли»да талқин этиш усулини устоз Нажмиддин Комилов бошлаб берди, десак хато бўлмас. Бу адабиётимиз тарихини, классик шеъриятимизни ўрганишда муҳим ҳодиса бўлди. Бугунги кунда кўплаб адабиётшунослар, айниқса навоийшунослар ана шу мақбул йўлни тутмоқдалар. Навоий меросини яхлит кейингина у ҳақиқий ишққа эришиши мумкин. Достоннинг айнан мана шу жиҳатларини англаб етиш бугунги кун олими учун ҳам, ўқитувчиси учун ҳам муҳим. «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонлари эртакнамо асарлар эмас, балки комилликка, ҳақиқатта эришиш йўлидаги курашлар баёни эканлигини нуктадонлик билан тушунтирар экан, устоз бир ўринда шундай дейди: **«Воқеан, адабиётнинг ўзи комиллик белгиси, комил сўз, комил маъно ва комил тафаккур ифодаси. Буларни эгаллаган инсон комил ҳилқат бўла олади... Инсон руҳи комилликка ташна экан, санъат ва адабиёт шу чанқоқни бостиришга хизмат қилади...».**

Устоз Нажмиддин Комиловнинг Шарқ шеърияти, маданияти соҳасида олиб борган тадқиқотларининг етуклиги ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бироқ энг яхши йўл унинг асарларини топиб ўқиш, деб ўйлайман.

Олим шунингдек, илмий-адабий фаолияти давомида Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати, Хоразм таржима мактаби мавзуларидаги илмий ишларни амалга оширади. Айниқса, қиёсий адабиётшуносликка оид асарларида нафақат бадиий асарларни ўрганади, балки шу тадқиқотлар орқали ўзликни, инсоннинг инсонлик моҳиятини англашга ўргатади.

Оламнинг яратилишидан мақсад — Одам, одамдан мақсад эса комил инсон эканлиги тўғрисида Шарқнинг мутафаккир шоирлари кўп ёзганлар. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоий комилликнинг тимсоли — пайғамбаримиз ҳақида шундай дейди:

**Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,**
**Сен ғараз оламдин ар, оламдин инсондур ғараз.**

Устоз Нажмиддин Комилов ҳам шарқ адабиётидаги айнан шу муаммога эътибор беради, унинг атрофида чуқур ва батафсил фикр юритади. Олим «Нажмиддин Кубро» номли бир асарида муриднинг покланиб, маърифатта эришиш йўлларини кўрсатиб берар экан, ушбу парчани келтиради: **«Қаноат — камолотнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Модомики, инсон фаришта билан ҳайвон орасида турувчи махлуқ экан, унда руҳ ва жисм кураши муқаррар бўлиб, камолот ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан қўлга киради. Қаноат инсонни инсон қилади, маънавият безаги билан безатади»**. Нажмиддин аканинг назарида бир воқелик, бебаҳо хазина, деб таъкидлар экан, олим нафақат Навоий лирикасини, балки шоир «Ҳамса»сининг достонларини ҳам зоҳирий ва ботиний мазмун уйғунлигида тадқиқ этади, Алишер Навоий ижодий ниятининг туб моҳиятини китобхонга англатади. Айниқса, «Суқрот — комил инсон тимсоли», «Ишқ оташининг самандари» каби мақолалар фақат илм оламида янгилик бўлиб қолмади. Бу тадқиқотларни мактабларимизда ўзбек адабиётидан дарс бераётган ўқитувчилар учун муҳим сабоқ деб айтиш ҳам мумкин.

Афсонавий саргузаштларга бой, қаҳрамонлик достонларининг энг гўзали деб ўрганганимиз «Фарҳод ва Ширин» достонидаги сеҳрли кўзгу, Юнонистон сафаридаги тилсимотлар, дев, аждаҳо, тоғларда истиқомат қилувчи донишмандлар каби тимсоллар замирига Навоий нимани яширганини Нажмиддин ака кашф этиб берди. Юнонистон — ҳикмат мамлакати, Суҳайло - Фарҳоднинг тариқат йўлидаги биринчи пири, у Суқрот даражасида комил эмас, оина сеҳрини очишга қурби етмайди... Аждаҳо — нафс тимсоли, дев — салтанат рамзи (ҳокимлик). Самандар — ишқ рамзи, — дейди олим. Достондаги Суқрот — комил инсон тимсоли, Фарҳод эса комилликка эришиш истагида ёнаётган ошиқ. Мажозий ишқ машаққатларида тобланиб, хонумонидан айрилганидан биётшунослик ва адабий алоқалар тарихини ёритишда фанимиз учун жуда муҳим бўлган натижаларга эришди. Шарқу Ғарб адабиётларининг, маданиятининг бирлимдони эканлигини намойиш этиб, Шарқ маданиятининг умумий маданиятта таъсирини очиқ тушунтирди. Олимнинг «Гомердан Берунийгача», «Ибн Сино ва Данте», «Бокаччонинг илҳом париси», «Ҳайёмнома», «Чернишевский ва Шарқ» каби тадқиқотларини кашфиёт деб айтиш мумкин. Кўпчиликка маълум бўлмаган Шарқ адабиётининг Ғарб адабиётига таъсири масалалари, аниқроғи, Ғарбнинг маданий ҳаётда Шарқ меросхўри бўлиб майдонга чиқиши олимнинг «Тафаккур карвонлари» номли китобида ўз аксини топган.

... Ҳар сафар профессор Нажмиддин Комиловнинг асарларини ўқиганимда, унинг ижтимоий, педагогик фаолиятини кузатганимда, олимнинг ушбу сўзлари ёдимга тушади: яхши одам дунёнинг фоний - ўткинчилигини англаб етиб, шунга қараб ҳаётни қурган, мол-дунё кетидан қувмайдиган, фақат илоҳни севувчи, илоҳий хислатларни эгаллаган одамдир. Бошқача айтганда, одамийлик - илоҳийликда!..

**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,**
**ТошДПУ ўқитувчиси**

## Tanlov



# БИРИМИЗ – МИНГГА, МИЛЛИОНГА АЙЛАНСИН

27-28 сентябрь кунлари мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси биносида «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрами муносабати билан «Севимли ўйинчоқлар» Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловни республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев табрик сўзи билан очиб, жумладан шундай деди:

— Ҳурматли мураббийлар, азиз ўқитувчилар! Бугунги катта тантана «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» арафасида ўтказиляпти. Болаларни шарқона педагогика асосида тарбиялаш учун кўп йиллардан буён ҳаракат қилиб келинаётир. Ажойиб инсонлар ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашни орзу қилган эдилар. Биз шу кунларга етиб келдик. Таълимнинг илк даври оилада бошланади. Ундан кейин боғчада давом этади. «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» дастурини қабул қилдик ва у республикамиздаги 16 та болалар боғчасида тажриба-синовдан ўтказилди. Уни ҳаётга жорий этиш асосий вазифадир. Болаларни нимага, қандай ўргатиш керак? Уларни ёшликдан табақаларга бўлиб эмас, балки таълимга бўлган ҳавасини оширишимиз лозим. Болажонларнинг ҳаёти ўйинчоқдан иборат. Уларга ўйинчоқ керак. Жажжиларимиз миттигина ўйинчоқлар орқали ҳаётни англай бошлайди. Уларда илк тасаввурни айнан ушбу турли-туман ўйинчоқлар ҳосил этади. Ҳозирги даврда ўйинчоқлар тақчил бўлиб қолди. Бу бўшлиқни тўлдириш эса ижодий ёндашиш орқалигина амалга ошишини бугунги кўрик-танлов исбот этди.

Кўрик-танловда республика вилоятларидаги мактабгача таълим муассасаларининг 56 намунадаги ўйинчоқлари намойиш этилди.

Кўргазмадан «Болаларнинг мантиқий фикрларини ривожлантирувчи», «Мусиқавий-ҳаракатланувчи», «Замонавий электрон ва механик» ҳамда «Дидактик ва мазмунли воқеабанд» ўйинчоқларнинг 4 хилдаги намуналари ўрин олди.

Анжуманда ҳар бир ўйинчоқнинг педагогик, психологик, гигиеник, эстетик, ақлий, ахлоқий жиҳатдан ҳозирги кун талаблари асосида яратилганлигига алоҳида аҳамият берилди.

Пастдарғом туманидаги 2-«Қалдирғоч» болалар боғчаси катта тарбиячиси Маърифат Очилова ясаган «Компьютер» механик ўйинчоқ болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш, фикрлаш қобилиятини ўстириш, теварак-атроф билан таништириш, математика, тасвирий фаолият ва бошқа машғулотларда ҳам қўлланилади. «Компьютер» ўйинчоғининг болалар соғлигига зарари йўқ. У кичкинтойларнинг машғулотларга бўлган қизиқишларини оширади.

Янгийўл шаҳридаги 13-болалар боғчаси услубчиси Саодат Солиева «Чархпалак» модели билан танловда иштирок этди. Қадимда ота-боболаримиз чархпалак орқали каналлардан сув чиқариб, экинзор ва мевазор боғларни суғоришган. Ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, турмуш тарзлари, удумларини ёш авлодга ана шу сингари воситалар орқали ўргатиш мумкин.

«Болаларнинг мантиқий фикрларини ривожлантирувчи» ўйинчоқлар бўйича Ғузор туманидаги «Камалак» болалар боғчаси катта тарбиячиси Д.Нугмоновага «Эртак қаҳрамонларини топ» ўйини учун I; Норин туманидаги 10-болалар боғчаси жамоасига «Буюк сиймолар» композицияси учун II; Навоий туманидаги 8-болалар боғчаси тарбиячиси У.Матушенкога «Дўстлар ўйинчоқлар учун» ҳамда Урганч шаҳридаги вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институти мактабгача таълим бўлими бошлиғи М.Аҳмедовага «Рангига қараб топ» ўйини учун III ўрин берилди.

Мусиқий-ҳаракатланувчи ўйинчоқлар бўйича Ўзбекистон туманидаги 4-болалар боғчаси тарбиячиси I, Жиззах шаҳридаги 8-«Ниҳол» болалар боғчаси жамоаси II, Асака шаҳридаги 10-болалар боғчаси мудираси Л.Кузнецова III ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Замонавий электрон ва механик ўйинчоқлар бўйича эса М.Очиловага (Пастдарғом туманидаги 2-«Қалдирғоч» болалар боғчаси катта тарбиячиси) I, Л.С.Пак (Сирдарё шаҳридаги «Қувонч» боғча-мактаб мажмуининг тўгарак раҳбари) II, Р.Тўрахонова (Тошкент туманидаги 16-«Олтин балиқча» болалар боғчаси тарбиячиси) III ўринни эгалладилар.

Дидактик ва мазмунли воқеабанд ўйинчоқлар бўйича Тўрткўл туманидаги «Ширинтой» болалар боғчаси тарбиячиси С.Ботирова I, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 370-болалар боғчаси тарбиячиси Г.Сайфулина ва Шўрчи туманидаги 2-«Кичкинтой» болалар боғчаси жамоаси II, Файзулла Хўжаев туманидаги 42-болалар боғчаси тарбиячиси Н.Зуҳурова эса III ўринни олдилар.

Анжуман иштирокчиларига, шунингдек, «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг рағбатлантирувчи мукофотлари топширилди.

Кўрик-танловга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Оила» маркази, «Ишбилармон аёллар» ассоциацияси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Камолот», «Болалар» жамғармалари, Таълим-таъминот Бош бошқармаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳомийлик қилдилар.



Ниятимиз — ҳозирда ягона нусхада маъқул деб топилган ушбу ўйинчоқлар келгусида тоғдек уюм бўлиб, республикамиз болажонлари қучоғини тўлдирса...

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

***Суратларда: «Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танловидан лавҳалар.***

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**



## БАЙРАМ ХАБАРЛАРИ

Тошкент Давлат авиация институтида бўлиб ўтган байрам тантанасида, институт ректори, профессор Ш.Ғанихонов ўз жамоасидаги мураббийларни қутлар экан, таълим-тарбия ходимларига бўлган ҳукуматимиз ишончи ва ўз ўрнида чексиз ғамхўрлиги хусусида тўхталди.

Ушбу тантанали кечада Ўзбекистон авиаходимлар марказий касаба уюшмаси раисининг муовини Ш.Мингалиев ҳам сўзга чиқиб, ўқитувчилик касбининг ажиб бир фазилатлари ҳақида гапириб ўтди. Шу билан бир қаторда, буюк аждодлар анъаналарини давом эттирадиган, ўзининг истеъдоди билан янги асрда ҳам Ўзбекистон номини улуғлайдиган талабаларга билим бераётган профессор-ўқитувчиларга, касаба уюшмасининг пул-мукофоти ва фахрий ёрлиғи топширилди.

Институт қошида очилган «Парвоз» ансамбли ўз чиқишлари билан байрам тантанасига файз қўшишди.

**Улуғбек ҚУРБОНОВ,**
**Ўзбекистон авиаходимлар марказий касаба уюшмаси стипендианти**

• • •

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Аҳмад Яссавий номидаги 203-мактабда Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами катта шодиёнага айланиб кетди. «Устозга таъзим» деб номланган байрам анжуманида мактаб директори Азимбек Тухтабеков педагоглар жамоасининг таълим-тарбия иши самарадорлигини ошириш юзасидан Катта Қаъни ва Қозигузар маҳалласи билан ҳамжиҳатликда амалга ошираётган ишлари ҳукуматимизнинг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунларини рўёбга чиқаришга ёрдам бераётгани, ўқув-моддий базани мустаҳкамлашда ота-оналар билан камарбасталик хусусида қисқача тўхталиб, залга тўпланган ўқитувчилар, меҳмонларни қутлуғ байрам билан қутлади.

Меҳнат фахрийси, салкам эллик йил шу мактабда ўқитувчи ва жамоа раҳбари бўлиб ишлаган Эргаш Камолов устозлар ҳақида, ҳукуматимиз қилаётган мислсиз ғамхўрлик ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Мактаб ота-оналар қўмитаси раиси, профессор Карим Назаров, Катта Қаъни маҳалла йиғини оқсоқоли, доцент Қобил Қодировлар илғор ўқитувчилар ва меҳнат фахрийлари ҳамда аълочи ўқувчиларга пул ва эсдалик совғаларини топширишди.

Устозлар байрамига бағишланган анжуманда мактаб ўқувчилари шеърий қутловлари, чиройли рақс ва жозибали қўшиқлари билан кечага файз киритишди.

**Ғафур МИРЗО**

• • •

Арнасой тумани ҳокимлиги бошчилигида бу ерда ҳам муаллимларимиз байрами катта тантана билан ўтказилди. Туман ҳокими Райим Есенқулов ташаббуси билан байрамга тумандаги барча мактаблар, шунингдек, Ғаллаорол тумани мактаблари раҳбарлари ҳам таклиф этилди. Йиғилишда вилоятнинг икки тумани маорифчилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида келишиб олинди. Шу куни ўқитувчиларимиз учун тўкин дастурхон ёзилиб, иштирокчиларнинг ҳар бирига Арнасой тумани ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари топширилди. Биз таълим ходимларига кўрсатилган бундай эътибор ва эъзоздан мамнун бўлдик.

**Санақул ХЎЖАҚУЛОВ,**
**Ғаллаорол туманидаги 33-мактаб директори**

---

Сайловчиларнинг рўйхати сайловдан 15 кун олдин (Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида, санатория ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан 2 кун олдин) ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Ҳар бир фуқарога рўйхатга киритмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек, рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади.

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида камида 10 кун қолганда тегишли участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларни хабардор қилинади.

Сайлов ҳақида умумий маълумот берилгач, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказишнинг асосий қоидалари билан таништириш лозим. Зотан, Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Президентлик институти жорий этилган эди. 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг XII чақириқ I сессиясида республиканинг биринчи Президенти этиб И.А.Каримов сайланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин 1991 йил 29 декабрда демократик меъёрларга мос равишда, умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида муқобиллик билан ўтказилган умумхалқ сайлови натижаларига кўра Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон халқи сайлаган биринчи Президент бўлди.

Машғулотлар жараёнида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддаларини шарҳлаб ўтиш муҳимдир. Жумладан, «Президент лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин» (1-модда).

**Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.**



Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

**Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар (2-модда).**

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари эгадирлар» (24-модда). Мазкур моддага мувофиқ «Сиёсий партияларнинг юқори органи, ҳокимият вакиллик органлари Республика Президентлигига битта номзод кўрсатиши мумкин».

25-моддага кўра: «Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди:

- қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;
- ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари».

Бугунги кунда сиёсий партияларнинг Марказий сайлов комиссиясига берган аризалари кўриб чиқилди ва уларга Президент ва Олий Мажлис сайловида қатнашишларига ижозат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказиш принциплари ҳақида гапирилганда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича Ўзбекистон фуқаролари сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашишлари, унда овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилиши, уларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари назорат қилинишига йўл қўйилмаслиги, республиканинг ҳар бир фуқароси бир овозга эгалиги хусусида маълумот бериш даркор.



Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Олий Мажлис депутатлигига сайланган, деб ҳисобланади.

Башарти, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига 2 тадан ортиқ номзод қўйилган бўлса ва номзодлардан ҳеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни олмаган бўлса, энг кўп овоз олган 2 номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Агарда Президентликка 2 тадан кўп номзод қўйилмаган бўлса ва улардан ҳеч бири сайловчиларнинг овозини зарур миқдорда олмаган бўлса ёхуд сайлов ҳақиқий эмас деб топилса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди.

Шундан сўнг Олий Мажлисга сайловлар ҳақида тушунчалар берилади. Олий давлат органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси дастлаб 1994 йил 25 декабрда сайланганлиги ва у ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат бўлиши айтилади. Шунингдек, мазкур сайлов Қонунининг тегишли моддалари шарҳлаб ўтилади:

«Олий Мажлисга депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар» (2-модда), «Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, бевосита фуқаролар эгадирлар» (20-модда).



## Saylovdan saboqlar

Шуни таъкидлаш жоизки, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш юзасидан ташаббускор гуруҳ тузиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун дастлаб, тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар гуруҳи тузилиб, ташаббускор гуруҳнинг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш керак. Ташаббускор гуруҳ йиғилишининг кун тартибидаги иккинчи масала тегишли сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш масаласи бўлиб, бу ҳақда ҳам тегишли қарор қабул қилинади. Шундан сўнг ушбу йиғилишнинг қарори ва баёни тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади. Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлигига кимлар номзод этиб рўйхатга олинмаслиги ҳам айтиб ўтилиши керак.

Шуни айтиш керакки, ҳокимият вакиллик органлари, яъни «халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов кунигача 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Ҳар бир фуқаро - сайловчи бир овозга эга»дир.

Умуман, эркинлик ва маънавият кўзгуси бўлган бўлажак сайловларда фаол қатнашиш ҳамманинг фуқаролик бурчи эканлиги, унда миллат, халқнинг келажаги, тақдири ҳал бўлиши ҳар бир ёшнинг онгига сингдирилиши зарур.

**Республика таълим маркази**

